Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

# Хавфсизлик Кенгаши

**Хавфсизлик Кенгашининг 31 октябр 2000 йил 4213 – мажлисида қабул қилинган 1325 Резолюцияси (2000)**

*Хавфсизлик Кенгаши,*

Ўзининг 25 август 1999 йил 1261 (1999) рақамли, 17 сентябр 1999 йил 1265 (1999) рақамли, 19 апрел 2000 йил 1296 (2000) ва 11 август 2000 йил 1314 (2000) рақамли резолюциялари, ҳамда Кенгаш Раисининг тегишли баёнотларига *асосланган* ҳолда, шунингдек, Раисининг 2000 йил 8 март Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар Ҳуқуқлари ва Халқаро Тинчлик (Халқаро Аёллар Куни) (SC/6816) куни муносабати билан берган баёнотини *эътиборга олиб*,

Шунингдек, Бейжин Декларацияси ва Фаолият Платформаси (A/25/231) да белгиланган мажбуриятлар, ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси йигирма учинчи сессиясининг "2000 йилда Аёллар: эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик, XXI асрда ривожланиш ва тинчлик" номли якуний ҳужжатида ўз аксини топган мажбуриятларни *эътиборга олиб*,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг мақсад ва тамойилларини, ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш Низоми асосидаги бирламчи вазифасини *эътиборга олиб*,

Қуролли конфликтлардан энг кўп жабр чекувчилар тинч аҳоли, асосан аёллар ва болалар эканлиги, ҳамда айнан шу аҳоли гуруҳлари қочоқлик ва мажбурий кўчишлардан жабр тортаётганлиги, шунингдек уларнинг жангарилар ва қуролли элементлар таъқибига учраётгани сабабидан хавотирда эканлигини *изҳор қилиб*, ҳамда бу ҳолат натижада барқарор тинчлик ва дўстлик масалаларида акс этадиган *оқибатларни англаб*,

Конфликтларни олдини олиш, ҳал этиш ва тинчликни барпо қилишда аёлларнинг тутган муҳим ўрнини *яна бир бор таъкидлаб*, уларнинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва тарғиб қилиш ишларида тўлақонли ва тенг иштирокининг аҳамияти, ҳамда уларнинг конфликтларни олдини олиш ва ҳал этишдаги ролини оширилш масалаларига *урғу бериб*,

Аёллар ва қизларнинг ҳуқуқларини конфликтлар давомида ва улар сўнгида ҳимоя қилувчи инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро хайрия ҳуқук ва нормаларини тўлақонли равишда ҳурмат қилиш заруратини *яна бир бор таъкидлаб*,

Миналардан тозалаш ва миналар ҳақида огоҳлантириш дастурларида аёллар ва қизларнинг эҳтиёжлари алоҳида эътиборга олинишини барча томонлар таъминлаши лозимлигини *алоҳида таъкидлаб*,

Тинчликни таъминлаш операцияларини ўтказишда гендер муаммоларини ҳисобга олиш заруратини *англаб*, шунингдек, тинчликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли операцияларни амалга оширишда гендер муаммоларини эътиборга олишни таъминлаш бўйича Виндхук Декларацияси ва Намибия режасини *таъкидлаб* (S/2000/693).

Шунингдек, Кенгаш Раисининг 2000 йил 8 мартда берган матбуот баённомасидан ўрин олган, барча тинчликни таъминлаш ходимларини конфликт ҳолатларида аёллар ва болалар ҳимояси, уларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича махсус тайёргарликдан ўтишини таъминлаш ҳақидаги тавсиясининг аҳамиятини *таъкидлаб*,

Қуролли конфликтларнинг аёллар ва қизларга таъсирини тушуниш ҳамда уларнинг ҳимоясини ва тинчлик жараёнларида тўла қатнашувини кафолатловчи самарали ташкилий механизмлар мавжудлиги халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшиши мумкинлигини *таъкидлаб*,

Қуролли конфликтларнинг аёллар ва қизларга таъсири борасидаги маълумотларни йиғиш заруратини *эътиборга олиб*,

1. Аъзо мамлакатларни конфликтларни олдини олиш, бошқариш ва ҳал этиш бўйича мамлакат, минтақа ва халқаро ташкилот ҳамда механизмларнинг қарор қабул қилувчи бўғинларида аёллар фаоллигини оширишга *ундайди*;

2. Бош Котибни конфликтларни ҳал этиш ва тинчлик жараёнлари бўйича қарор қабул қилишнинг барча бўғинларида аёллар иштирокини кучайтиришга чақирувчи стратегик иш режасини (A/49/587) амалга оширишга *чақиради*;

3. Бош Котибни аёллар орасидан кўпроқ махсус вакил ва элчилар тайинлашга, ҳамда уларга ўз номидан меҳрибонлик ишларини амалга оширишни топширишга *ундайди*, шу билан бирга аъзо мамлакатларни Бош Котибга аёл номзодларни мунтазам равишда янгилаб бориладиган марказлаштирилган рўйхатга қўшиш учун тавсия этишга *чақиради*;

4. Бош Котибни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жойлардаги фаолияти доирасида, айниқса ҳарбий кузатувчилар, фуқаролик милицияси ходимлари, инсон ҳуқуқлари ва хайрия ёрдам ходимлар орасида аёлларнинг роли ва иштирокини кенгайтиришга *ундайди*;

5. Тинчликни таъминлашга қаратилган операцияларга гендер масаласини киритишга тайёрлигини *изҳор қилади*, ҳамда Бош Котибни жойлардаги операцияларнинг тегишли ўринларида гендер компонентини киритишга *ундайди*;

6. Бош Котибдан аъзо мамлакатларга аёлларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва ўзига хос эҳтиёжлари, шунингдек уларни барча тинчликни таъминлаш ва тинчликни барпо қилиш тадбирларида иштирок этишлари аҳамияти борасида кўрсатмалар ва маълумотлар билан таъминлашни *сўрайди*, аъзо мамлакатларга ушбу элементларни, шунингдек, ОИТВ/ОИТС муаммосини мамлакат ҳарбийлари ва фуқаролик милициясини тайёрлаш дастурларига киришларини *таклиф қилади*, шу билан бирга, тинчликни

таъминлаш бўйича фуқаролик ходимлари хам худди шундай тайёргарликдан ўтишини таъминланишини Бош Котибдан *сўрайди*;

7. Аъзо мамлакатларни гендер билан боғлик масалаларда тайёргарлик дастурларини ташкил этиш фаолиятларини, шунингдек, тегишли фонд ва дастурлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аёллар Фонди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар Фонди, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Юқори Комиссари Офиси ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган харакатларини кўнгилли равишда молиявий, техник ва моддий жиҳатлардан қўллаб-қувватлашни оширишга *ундайди*;

8. Барча ижрочи томонларни тинчлик битимларини мухокама қилишда ва амалга киритишда гендер масалаларини эътиборга олувчи ёндашувларни қўллашга *чақиради*, жумладан:

a) Юртига қайтиш ва бошқа жойга кўчириш, шунингдек, жойлаштириш, қайта интеграция қилиш ва конфликтдан сўнги тикланиш даврида аёллар ва қизларнинг ўзига хос эҳтиёжларини;

b) Аёллар томонидан олдинга суриладиган, маҳаллий тинчлик ташаббусларини қўллаб кувватлашга, шунингдек, конфликтларни ҳал этишга каратилган маҳаллий жараёнларга, ҳамда тинчлик битимларини амалга оширишнинг барча механизмлари фаолиятига аёлларни жалб қилишга қаратилган тадбирларни;

c) Инсон ҳуқуклари, аёллар ва кизлар ҳуқукларининг ҳимоясини таъминловчи, конституция, сайлов тизими ҳамда милиция ва суд органлари фаолияти билан боғлик тадбирларни эътиборга олувчи ёндашувларни қўллашга чақиради;

9. Қуролли конфликтлардаги барча томонларни аёллар ва қизларни ҳимоя қилиш ва уларнинг ҳуқукларига алоқадор халқаро ҳуқуқий нормаларга, жумладан, 1949 йил Женева Конвенциялари ва бу конвенцияларга 1977 йилда қабул қилинган Қўшимча протоколлар, 1951 йилда қочоқлар ҳақидаги Конвенция ва унга 1967 йил қабул қилинган Протокол, 1979 йилда аёлларга нисбатан барча дискриминация формаларини йўқ қилиш Конвенцияси ва унга 1999 йилда қабул қилинган Факультатив протокол, 1989 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болалар ҳуқуклари Конвенцияси ва унга 25 май 2000 йилда қабул қилинган икки Факультатив протоколлар, ҳамда Халқаро жиноий суднинг Рим статутида кўрсатилган тегишли қонунларига тўлақонли равишда риоя қилишга *чақиради*;

10. Қуролли конфликтлардаги барча томонларни қуролли конфликтлар ҳолатларида аёллар ва қизларни жинсий зўравонликлардан, жумладан, зўрлаш ва жинсий таҳқирлашнинг бошқа шаклларидан ва барча турдаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш бўйича махсус чораларни қўллашга *чақиради*;

11. Барча мамлакатлар қонунсизликка чек қўйишга, геноцид, инсониятга қарши жиноят, ҳарбий жиноятлар, жумладан, аёллар ва қизлар билан боғлиқ жинсий ва бошқа турдаги жиноят ва зўравонликларда айбдор бўлган шахслар устидан суд тергови амалга оширилиши бўйича масъул эканликларини *алоҳида таъкидлайди*;

12. Қуролли конфликлардаги барча томонларни қочоқлар лагерлари ва турар жойларининг гуманитар хусусиятларини ҳурмат қилиш, шунингдек уларни лойиҳалаштиришда аёллар ва қизларнинг ўзига хос эҳтиёжларини эътиборга олишга *чақиради*, ҳамда ўзининг 19 ноябр 1998 йил 1208 (1998) рақамли ва 19 апрел 2000 йил 1296 (2000) рақамли резолюцияларига *асосланади*;

13. Тинчликни таъминлаш операцияларида гендер масалаларини эътиборга олишга тайёр эканлигини *билдиради*, ҳамда Бош Котибни гендер масалаларини барча жойлардаги операциялар таркибига киритишга *ундайди*;

14. Ҳар қачон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг 41 моддаси бўйича чоралар кўрилганда, бу чораларнинг тинч аҳолига бўладиган таъсири, аёллар ва қизларнинг ўзига хос эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, тегишли гуманитар эркинликлар масаласини

кўриб чиқиш мақсадида эътиборда тутишга тайёрлигини яна бир бор *таъкидлайди*;

15. Хавфсизлик Кенгашининг миссияларида гендер масалалари ва аёллар ҳуқуқларини эътиборга олишни таъминлашга тайёрлигини *билдиради*, шунингдек, маҳаллий ва халқаро аёллар гуруҳлари билан маслаҳатлар ўтказади;

16. Бош Котибдан куролли конфликтларнинг аёллар ва қизларга таъсири, аёлларнинг тинчликни барпо қилишдаги роли, тинчлик жараёнлари ва конфликтларни ҳал этишда гендер масалалари бўйича тадқиқот ўтказишни *сўрайди*, шунингдек, ушбу тадқиқот натижалари асосида Хавфсизлик Кенгашига баёнот тақдим қилиши ва ушбу баёнотни барча мамлакатлар - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолари тасарруфига беришини *сўрайди*;

17. Бош Котибдан тегишли ҳолатларда Хавфсизлик Кенгашига тақдим қиладиган баёнотларида тинчликни таъминлаш миссияларида гендер масаласини ҳисобга олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, ҳамда аёллар ва қизлар мавзуларига тегишли бошқа барча масалалар ҳақида маълумот бериб боришни сўрайди;

18. Ушбу масала билан фаол шуғулланиб боришга *қарор қилади*.